



191

QAROR

2008 йил "10" май

№ 171-К.

Фермер хужалигини ташкил  
килиш ҳамда ижарага ер майдони  
ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21-ноябрдаги ПК-514-сонли «2007 йилда кишлоқ хужалиқ корхоналарини фермер хужалигига айлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарорини ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2006 йил 24-ноябрдаги 165-К-сонли ва туман ҳокимининг 2006 йил 25-ноябрдаги 921-К-сонли қарорларига асосан кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужалиқларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш максатида ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер ажратиш (реализация қилиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 11-апрелдаги ҳулосасини, «Самарқанд» массиви «Оқсулот» кишлоғида яшовчи фуқаро Ниёзова Назокатнинг туман ҳокими номига 2008 йил 7-апрел кунда ёзган аризасини қуриб чиқиб

КАРОР КИЛАМАН:

- 1.Тумандаги «Самарқанд» массивининг ердан фойдаланиш картасини 439-контуридаги 1,53 гектар мевали бог эгаси фуқаро Ниёзова Назокатга богдорчилик йуналиши буйича «Элбек-Муродов-Оқсулот боғи» фермер хужалигини ташкил қилиш тугрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер ажратиш (реализация қилиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 11-апрелдаги ҳулосаси тасдиқлансин ҳамда мевали бог эгаллаб турган 1,53 гектар ер майдони 49 йилга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
- 2.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (А.Жалолов)га ер кадастр ва балл бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаб руйхатдан утказиш;  
-туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утказиш инспекцияси (З.Ортиқов)га мазкур фермер хужалигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20-августдаги 357-сонли қарори талаблари асосида давлат руйхатидан утказиб, гувоҳнома бериш;  
-туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Аҳмедов)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;  
-иктисослашган тижорат банкларига мазкур фермер хужалиғи учун ҳисоб ракам очиш;  
-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
- 3.Мевали бог эгаллаб турган 1,53 гектар ер майдонидан тегишли амалдаги қонунлар асосида, «Ер кодекси»нинг 40-моддасига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш ҳамда ижарага фойдаланиш учун ажратилаётган ер майдонида тулик мевали дарахтлар бўлишини таъминлаш мазкур фермер хужалиғи раиси Ниёзова Назокатга юклатилсин.
- 4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ш.Нарзиев зиммасига юклатилсин.
- 5.Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими:-

Н.Бердибоев